



Юсуф ИСМОИЛОВ

филология фанлари номзоди,
Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети
yussuf_ismoil@mail.ru

“ЧЕТ ТИЛЛАРИНИ ЭГАЛЛАШНИНГ УМУМЕВРОПА КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИ: ЎРГАНИШ, ЎРГАТИШ, БАҲОЛАШ” — CEFR АСЛИ НИМА?

Мақола Европа Кенгашининг ташаббуси билан вужудга келган “Чет тилларни эгаллашнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўргатиш, баҳолаш” ҳужжатининг аҳамияти, унинг шаклланиш тарихи ва чет тилларни ўрганишга янгича ёндашув принциплари таҳлилига бағишланган. Унинг муаллифлари томонидан ишлаб чиқилган тавсиялар тилга коммуникатив ёндашувдан иборат бўлиб, нутқ фаолиятининг барча турларини ўз ичига олади. Асосий мақсад — тил ўрганувчилар ўз билим даражаларини мустақил аниқлашлари ва баҳолашлари орқали чет тил ўрганишда мотивацияни янада оширишдан иборат.

В статье анализируется значение, история возникновения и принципы нового подхода к изучению иностранных языков в документе «Общеввропейские компетенции владения иностранным языком: изучение, обучение, оценка», который создан по инициативе Совета Европы. Предлагаемые авторами документа предложения сводятся в конечном итоге к коммуникативному подходу в обучении иностранным языкам и включают все виды речевой деятельности. Основная цель состоит в повышении мотивации учащихся путем самостоятельного определения уровней знаний и их оценки по иностранным языкам.

The significance, history of appearance and principles of new approach to the studying the foreign languages in the document “A Common European Framework of Reference for languages: learning, teaching, assessment”, which realized by European Union is analyzed in this article. Suggested document by the authors comes to the communicative approach of the foreign languages and include all types of communication at the result. The main idea is increasing the motivation of the learners by defining the level of the knowledge in foreign languages and test independently.

Калит сўзлар: тил малакаси, коммуникатив малакалар, коммуникатив ёндашув, чет тилини ўқитиш босқичлари, чет тилини эгаллаш даражалари, нутқ фаолияти, узвийлик, мулоқот жараёни, баҳолаш тамойиллари, баҳолаш тизими.

Ключевые слова: языковая компетенция, коммуникативные компетенции, коммуникативный подход, этапы обучения, уровни владения иностранным языком, речевая деятельность, процесс общения, преемственность, система оценок, критерии оценок.

Key words: linguistic competence, communicative competence, communicative approach, steps of teaching, levels of foreign languages, oral activity, process of communication, succession, system of assessment, criteria of assessments.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги 1875 сонли “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари” ҳақидаги қарор соҳани ривожлантириш бўйича фаоллик ва масъулиятни оширишга ва янги изланишларга ундади. Умумий мақсад – чет тилларни эгаллашнинг замон талаблари даражасига олиб чиқишдир. Мутахассислар бу борада дунёдаги ижобий тажрибаларга ҳам мурожаат қилмоқдалар. Чет тилларни самарали ўқитишга интилиш хорижда ҳам долзарб муаммолардан. Бу борада хорижлик ҳамкасбларимиз ҳам мунтазам изланишлар олиб бормоқдалар. Хусусан, “Чет тилларни эгаллашнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўргатиш, баҳолаш” (мақола давомида “Умумевропа компетенциялари”) ҳужжати шундай изланишларнинг натижаси. У тез орада Европа минтақасидан ташқари ҳудудларда ҳам эътибор қозонди, кўплаб муҳокама ва баҳсларга сабаб бўлди. Айни пайтда, мазкур нашрий манба билан боғлиқ бир қатор саволлар очик қолмоқда ва ўз жавобини кутмоқда.

Шу ўринда “Умумевропа компетенциялари” қандай ҳужжат эканлиги масаласи кўндаланг туради. Ушбу нашрий манба асли нима? Куйида эса унинг пайдо бўлиш тарихи ва сабаблари, мақсад ва вазифалари, ҳамда мазмунининг асосий жиҳатларига қисқача тўхталиб ўтамыз.

“Умумевропа компетенцияларининг” шаклланиши тарихан Европа Иттифоқининг, аниқроғи, унинг илк структураларидан бири бўлган Европа Кенгашининг тил сиёсати фаолияти билан боғлиқ ҳолда кечди. Европа Иттифоқининг тил сиёсати кўптиллик ва маданиятлараро компетенцияларни қўллаб-қувватлашдан иборат. Бу фаолияти билан у Европада демократик жамиятнинг шаклланишида ўзига хос ҳисса қўшади. Тил сиёсати дастурида қатор тадбирлар режалаштирилган бўлиб, улардан бирини 1991 йили Европа (бир оз кейинроқ АҚШ ва Канада) мамлакатлари чет тиллари ўқитувчиларининг чет тилларини ўрганишнинг тубдан замонавийлаштириш лойиҳаси ташкил этди. Лойиҳа таниқли мутахассис Л. М. Трим томонидан бошқарилиб, Европа Иттифоқига аъзо йигирма мамлакатнинг вакиллари ўн йил давомида унинг устида иш олиб бордилар. Лойиҳа Европа

Кенгашининг маданий ҳамкорлик бўйича аъзолари, турли институтлар томонидан мунтазам ва изчил қўллаб-қувватланиб келинди. Лойиҳа натижалари 1996 йили илк марта жамоатчиликка маълум қилинди ва қайта кўриб чиқиш, қайта ишлаш, тўлдиришлардан кейин **“A common European framework of reference for languages: learning, teaching and assessment”** (“Чет тилларини эгаллашнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўргатиш, баҳолаш”) сарлавҳаси остида 2001 йили даставвал инглиз, кейинроқ француз ва немис тилларида чоп этилди.

“Умумевропа компетенцияларининг” асосий мақсади – ўрганувчи чет тилини ўрганиш жараёнида ёки унинг охирида эгаллаган **билим даражасига аниқ тавсиф ва таъриф беришдан** иборат. Лойиҳа фақат чет тилини ўрганувчи ва ўргатувчиларга қаратилмаган, балки чет тиллари билан бевосита ва билвосита алоқадор бўлган таълим ходимлари, чет тиллари бўйича дарсликлар муаллифлари, ноширлар, чет тилларини эгаллашдаги баҳолаш даражасини аниқлаш муаммоси (имтиҳон ва тестлар) билан шуғулланаётганларга ёрдам кўрсатишдан иборат. “Умумевропа компетенциялари” ўқитиш жараёни билан бевосита боғлиқ мақсад ва методларни аниқлаб бермайди, у ёки бу ўқув жараёнини қандай олиб боришни кўрсатиб беришни ўз зиммасига олмайди, балки чет тилларини эгаллашда қандай самарали ва кенг имкониятлар мавжудлигини эътироф этади. У таълим стандарти, дастур ёки режа шаклидаги меъёрий ҳужжат ҳам эмас, ўрганувчи ва ўргатувчиларга ҳеч қандай мажбурият юкламайди, балки дескриптив, яъни юқорида таъкидланганидек тавсифий ва таърифий характерга эга.

Мазмун жиҳатидан, “Умумевропа компетенциялари” ўз номига мос равишда чет тилини эгаллаш билан боғлиқ **компетенциялар (малакалар) мажмуасини** тавсифлашга қаратилган бўлиб, бизнингча, ушбу лойиҳада эришилган энг катта ютуқлардан биридир. Жамланган ҳолда компетенциялар **умумий ва коммуникатив** каби асосий компетенциялардан иборат. Умумий чет тилларига бевосита тегишли бўлмаган ҳолда, айти пайтда тилни эгаллашда катта аҳамият касб этади. Унга дунёвий билимлар, жамиятга тегишли (социомаданий) билимлар, маданиятлараро билимларни эгаллашга қаратилган компетенциялар кирса, коммуникатив компетенциялар ўз ичига лексик, грамматик, семантик, фонологик, орфографик ва орфоэпик каби “соф” лингвистик малакаларни олади. Коммуникатив компетенциялар таркибига шунингдек, социолингвистик ва прагматик компетенциялар киритилган. Улар умумий ва коммуникатив компетенциялар ўртасида ўзига хос “кўприк” вазифасини бажарадилар. Компетенцияларнинг хилма-хиллиги ҳақидаги фикрларимизни улардан айримларини келтириш орқали асослаймиз.

Прогрессия (оддийликдан мураккабликка) нуқтаи назаридан тил ўрганиш жараёнида ва унинг натижасида **шахсий компетенциялар** ўз навбатида ўзига ишонч, мустақиллик ва (ўз-ўзига) танқидий қараш каби хусусиятларни шакллантиришга олиб келади. **Ижтимоий компетенциялар** ўзаро мулоқат, жамоа ва гуруҳда ишлаш, **методик компетенциялар** илмий иш олиб бориш, **соҳавий компетенциялар** эса билим эгаллаш каби хислатларни шаклланишига таъсир кўрсатади.

“Умумевропа компетенцияларининг” асосий ютуқларидан бири А1, А2, В1, В2, С1 ва С2 каби прогрессив 6 даража босқичини ўзида жамлаганлигидадир. Даражаларни аниқлашда анъанавий “учлик” — бошланғич, ўрта ва юқори босқичлар асос сифатида қабул қилинган. Бошланғич босқич **элементар тил қўллаш** (А1 ва А2), ўрта босқич **мустақил тил эгаллаш** (В1 ва В2), юқори босқич эса **малакали тил эгаллашни** (С1 ва С2) ўз ичига олади.

“Умумевропа компетенциялари”да билим даражаларининг кўникма шаклланиши нуқтаи назаридан **“қила олмоқ”** шаклида тавсифланиши алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзбек тилидаги кўникмаларни ифодалашга қаратилган “қила (бажара, амалга ошира) олмоқ, уддаламоқ, уддасидан чиқмоқ, эпламоқ, ақли етмоқ, имкони бўлмоқ” каби феъллар алоҳида қўлланилган ҳолда компетенциялар моҳиятини очиб беролмаса-да, бевосита аниқ компетенциядан келиб чиқиб даражаларни ажратиш олиш мумкин. Нутқ фаолиятининг асосий турларидан бўлган **ўқиб тушуниш** компетенцияси мисолида юқоридаги фикр яққолроқ ойдинлашишади:

С2	Амалда барча ёзма матнларни тушуна олади ва танқидий интерпретация қила олади (мавҳум, тузилишига кўра мураккаб ёки яққол оғзаки нутқ элементларидан иборат адабий ва адабий бўлмаган матнлар). Кенг ҳажмдаги узун ва мураккаб матнларни тушуна олади ва улардаги нозик стилистик фарқлар ва яширин маъноларни илғай олади.
С1	Қийин жойларини бир неча бор такрор ўқиш орқали ўз соҳасига оид бўлмаган узун ва мураккаб матнларни ҳам ўқиб икки-чикирларигача тушуна олади.
В2	Тўла равишда мустақил ўқий олади, турли матнларни ўқишда маълум мақсаддан келиб чиқиб, ўқиш суръатига мослаштира олади ва тегишли луғатлардан мақсадли фойдалана олади. Катта ҳажмдаги сўз бойлилига эга, айти пайтда кам қўлланиладиган ибораларни тушунишда айрим қийинчиликларга учраши мумкин.
В1	Ўз манфаат доирасига ва мутахассислигига тегишли мавзудаги мураккаб

	бўлмаган соҳа матнларини етарли даражада тушуниб ўқий олади.
A2	Кундалик турмушда учрайдиган ва касбга оид сўзлар қўлланилган маълум мавзудаги қисқа, оддий матнларни тушуна олади.
	Мураккаб бўлмаган ва таниш ҳамда интернационал сўзлардан иборат бўлган қисқа, оддий матнларни ўқий олади ва тушуна олади.
A1	Жуда қисқи, оддий матнларни сўзма-сўз ўқий олади ва тушуна олади, зарур ҳолатда бир неча бор қайта ўқиш орқали матндан таниш номлар, сўзлар ва оддий ибораларни ажратиш олади.

Юқоридагиларни жамлашга ва уларни соддалашга интилган ҳолда чет тилини ўрганишнинг “Умумевропа компетенциялари” яратилгунга қадар ва ундан кейинги даврларни таққослашга ҳаракат қиламиз:

Илгари

- ихтиёрий-мажбурий равишдаги “қилишим керак” тамойилидан келиб чиқилган;
- анъанавий равишда келажакда эгалланиши лозим бўлган компетенцияларга урғу берилган;
- сўз ва тил қоидаларини эгаллаш қобилиятлари ривожлантирилган;
- грамматик материал ўрганиш жараёнида асосий ўринни эгаллаган;
- тил ўрганувчи асосан ўргатувчи томонидан баҳоланган;
- ўрганилиб бўлинган тил материаллари баҳоланган;

Ҳозир

- хоҳиш-истак шаклидаги “қила оламан” тамойилига таянилади;
- инноватив равишда эгалланиб бўлинган компетенцияларга урғу берилган;
- коммуникация қобилиятини ривожлантиришга қаратилади;
- грамматик материал ўрганишнинг кам фоизини эгаллайди;
- тил ўрганувчи асосан ўзини ўзи баҳолашга йўналтирилади;
- эгалланиб бўлган компетенциялар баҳоланади;

Юқорида санаб ўтилганлар тил ўрганишга бўлган ёндашувнинг ўзгариши натижасида юзага келган фарқларнинг ҳаммаси эмас. Ўйлаймизки, “Умумевропа компетенциялари” узоқ вақт ва кўпчиликнинг диққат-марказида бўлади ҳамда мунозара ва баҳсларга сабаб бўлади. Менимча, бу ижобий ва табиий ҳолат, чунки айнан тортишув ва баҳслар натижасида муҳим хулосаларга келинади, ўқув жараёнида юксак самарага эришилади.

Бунинг устига ҳажман ўта салмоқли ушбу ҳужжат такрорланишлар, мавҳум қарама-қаршиликлардан ҳам холи эмас. Бу улардан фойдаланишда бир оз бўлса-да қийинчиликлар юзага чиқади. Муайян мураккабликлар қаторидан компетенциялар ва қатор атамалар таржимаси муаммоси ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Хулоса ўрнида, шуни таъкидлаш лозимки, бугунга келиб “Умумевропа компетенциялари” Европанинг 46 мамлакатларида стандарт сифатида қабул қилинди. Хусусан, Германиядаги немис тилидан дарсликлар чоп этувчи машхур Hueber, Cornelsen ва Langenscheidt нашриётлари, малака ошириш, сертификат берувчи ва немис тили бўйича қатор тест ўтказувчи структуралар эндиликда айнан “Умумевропа компетенциялари” тамойилларига асосланган ҳолда ўз фаолиятини йўлга қўйганлар. Компетенциялардан кўзланган асосий мақсад – ўрганувчи ўзининг чет тилидаги билими қайси даражада эканлигини билиши психологик жиҳатдан унга ўз устида мустақил ўқишни давом эттиришга ва мотивацияни оширишга хизмат қилади ҳамда фаолияти давомида фаолликка ундайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. А. “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари” ҳақидаги 1875 сонли фармойиш. – 2012 йил.
2. A common European framework of reference for languages: learning, teaching and assessment. – Council of Europe: Cambridge University, 2001.
3. Gemeinsamer Europäischer Referenzrahmen: lernen, lehren, beurteilen. Langenscheidt. – Berlin, 2001.
4. Общеввропейские компетенции владения иностранным языком: Изучение, оценка. Департамент по языковой политике. – Страсбург, 2005.